СССР Давлат китоб палатаси 22 ИЮН 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (20. 708) • 1990 йил 22 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

● Жумҳуриятимизда дон маҳсулотларини қабул қилиб олиш жадал давом этмоқда. Шу кунгача дон сақланадиган омборларга 4 минг 223 тоннадан ортиқ баракали ризқ-рўз тўкиб қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда икки ҳисса кўпдир.

— «90-йил ҳосили»ни қабул қилишга барвақт тайёргарлик кўрдик, — деб хабар қилишди ЎзТАГ мухбирига жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирлиги тайёрлов бўлимидан. — Чунки бу йил бошоқли экинлардан мўл ҳосил олиниши мумкинлиги эрта баҳордан маълум эди. Биргина Жиззах вилояти ғаллакорларининг хомчўт қилишларича, бу йилги ҳосил икки баравар кўп.

Дарҳақиқат, омборларга бўлиқ, сара дон оқиб кела бошлади. Бу йил 900 минг тонна қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Шундан 243 минг тоннаси бошоқли дон — арпа, буғдой ҳамда 657 минг тоннаси шоли ва макка донидир.

Дон тайёрлашни сифатли ўтказиш учун йил бошиданоқ пухта тайёргарлик кўрилди. 25 майдаёқ жумҳуриятдаги жамики омборлар янги донни қабул қилишга шай қилиб қўйилди. Айниқса, Андижондаги «Шаҳрихон», «Избоскан», Самарқанддаги «Нагорни», Наманганда «Ҳаққулобод», Сурхондарёдаги Гагарин номли дон маҳсулотлари комбинатлари ҳамда Тошкентдаги Тўйтепа макка донини сараловчи корхона мавсумга тайёргарликда ибрат бўлишди.

Жумҳуриятимиз бўйича энг кўп — 63 минг тонна бошоқли дон топширадиган Қашқадарё вилояти бу ишда пешқадамлик қилмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинди.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 20 июнь.

РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди

АХБОРОТ

1990 йил 20 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Россия партия конференцияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов раислик қилди.

Конференция қатнашчилари Мандат комиссиясининг раиси Г. М. Ходирев қилган шу комиссия маърузасини тингладилар.

Конференция Мандат комиссиясининг маърузасини тасдиқлади ва Россия партия конференциясини РСФСР Коммунистик партиясининг Таъсис съезди деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан сўнг съездда ҳозирги давр ва Россия Федерацияси Коммунистик партиясини тузиш тўғрисидаги масала яна муҳокама қилина бошланди. Музокараларда: Киров вилоятининг Зуев районидаги Дзержинский номли колхоз партия комитетининг котиби Л. Н. Ишчук, КПСС Якутия вилоят комитетининг биринчи котиби Ю. Н. Прокопьев, Бошқирдистон АССР Стерлитамак «Сода» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари И. Т. Машутин, Татаристон АССР кўп юк ортиладиган автомобиллар ишлаб чиқарувчи Кама бирлашмаси партия комитетининг котиби В. А. Вилегжанин, Олтой ўлкаси «Бийскэнергомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчиси О. А. Акимкина, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари ўлка Советининг раиси И. К. Полозков, Курган вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси В. Ф. Охохонин, «Магаданавтотранс» пассажир автотранспорт бирлашмаси Магадан ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси Ю. П. Копилов, таъсис съезди секретариатининг раҳбари А. П. Житенев сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг котиби, КПСС Марказий Комитети Россия Бюросининг аъзоси Г. И. Усмонов раислик қилди.

Музокараларда: КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари ўлка Советининг раиси О. С. Шенин, КПСС Чечен-Ингушия вилоят комитетининг биринчи котиби, Чечен-Ингушия АССР Олий Советининг Раиси Д. Г. Завгаев, Ҳарбий кенгаш аъзоси — ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари снёсий бошқармасининг бошлиғи Н. М. Бойко, Белгород вилояти Шебекинск кимё заводининг аппаратчиси Н. В. Ефременко, КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. К. Лигачев, КПСС Тоғли Олтой вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси В. И. Чаптинов, Тюмень вилояти «Надимгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Г. К. Рязанов сўзга чиқдилар.

Танаффусдан сўнг бўлган мажлис КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов раислигида ўтди.

Съездда: Шарқий Сибирь темирйўли Иркутск-Сортировочний локомотив депоси электровоз машинисти В. П. Сапачев, Воронеждаги «Электроника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Г. И. Гришчук, Волгоград вилоят КПСС Волжск шаҳар комитетининг биринчи котиби А. Д. Никифоров, Москва автомобиль-йўллар институти партия комитетининг котиби Н. В. Бистров, Ғарбий Сибирь темирйўли Новосибирск бош станцияси локомотив депосининг машинист инструктори Б. М. Ковалев, «Советская Россия» рўзномасининг бош муҳаррири В. В. Чикин, Хабаровск ўлкаси «Ургальское» шахта бошқармаси электр слесарлари бригадасининг бошлиғи Е. Д. Сотников, Свердловск вилояти Нижний Тагил шаҳри КПСС Дзержинск район партия комитетининг биринчи котиби М. С. Кобозев, Горький қишлоқ хўжалик институти доценти вазифасини бажарувчи А. Н. Мальцев, Ленинграддаги «Арсенал» заводи партия комитетининг котиби Ю. Г. Терентьев, Москва вилояти Силикатненск темир бетон конструкциялари заводининг электр крани машинисти В. М. Смирнов сўзга чиқдилар.

Съезд кечқурунги мажлисдаги муҳокамадан сўнг РСФСР Коммунистик партиясини тузишга қарор қилди.

Вилоят партия комитетининг пленуми

Фарғонада вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. У ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ш. М. Йўлдошевни Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Фарғона вилоят ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ғ. Ф. Фозилов яширин овоз бериш йўли билан Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ИШЧИ ГУРУҲНИНГ УЧРАШУВИ

Федерация кенгашининг мажлисидаги аҳдлашувга биноан 20 июнь куни Кремлда иттифоқдош республикаларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳнинг янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга ёндашувларни муҳокама қилишга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. СССР Олий Совети ва Федерация Кенгаши номидан учрашув қатнашчиларини Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов самимий табриклади.

Янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш тартиб-қоидаси тўғрисида рўй-рост ва амалий муҳитда фикрлашиб олинди, фикрлашувда РСФСР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари Р. И. Хасбулатов, Украина ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари В. Б. Гринев, Белоруссия ССР Олий Советининг Раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов, Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари И. В. Чиргадзе, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, давлат план комитетининг раиси К. А. Абдуллаев, Грузия ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили Н. А. Медзмариашвили, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Ф. Дашдамиров, Молдова ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари В. С. Пушкаш, Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. Е. Хўжамирян, Қирғизистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси С. Б. Бегалиев, Тожикистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. А. Аслонов, Туркманистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Отчерцов, РСФСР Олий Совети республика кенгашининг раиси В. Б. Исаков, Қирғизистон ССР Фанлар Академиясининг президенти А. А. Акаев, Қозоғистон ССР президентлик кенгашининг аъзоси С. С. Сартоев, Белоруссия ССР халқ депутати В. Н. Заблоцкий, Киев давлат дорилфунунининг профессори В. А. Василенко, Қирғизистон ССР Адлия министрининг ўринбосари М. Н. Корнеев, Украина ССР Фанлар академияси Украина ССР ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш кенгашининг раиси С. И. Дорогунцев, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Ҳ. Саидмуродов, СССР Ташқи ишлар министрлиги халқаро-ҳуқуқ бошқармасининг бошлиғи И. И. Яковлев, СССР Олий Совети Миллатлар Совети миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси Г. С. Таразевич, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясининг раиси Ю. К. Шарипов, СССР Президентлик кенгашининг аъзоси Г. И. Ревенко қатнашдилар.

Мунозара чоғида шартномани ишлаб чиқиш жараёни тартиб-қоидаларига асос қилиб олса бўладиган амалий ғоялар ва таклифлар айтилди. Учрашув қатнашчилари экспертлар даражасида бу ишни давом эттириш ва унинг натижаларини иттифоқдош республикалар Олий Советлари мухтор вакилларининг кейинги мажлислари муҳокамасига қўйиш ҳақида келишиб олдилар.

(ТАСС).

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг 1990 йил 20 июндаги қарори билан СССР Давлат Статистика комитети корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг бир гуруҳ ходимлари Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишга муваффақиятли тайёргарлик кўрганлиги ва уни ўтказганлиги учун СССР орденлари ҳамда медаллари билан мукофотландилар.

Мукофотланганлар орасида давлат статистикаси район ва шаҳар органларининг ходимлари, аҳолини рўйхатга олишда бевосита қатнашган меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор.

Фармон «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети Ахборотномаси»да эълон қилинади.

ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

21 июнь куни Тошкентда, округ Офицерлар уйида Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи гарнизонлари хотин-қизлар кенгашлари вакилларининг учрашуви очилди.

Учрашувда кейинги вақтда қуролли кучларга қилинаётган ҳуружлар касб-кори ҳарбий иш бўлган офицерларнинг ёнида доимо турадиган уларнинг турмуш ўртоқлари, оила аъзоларига ҳам таъсир этмай қолмайди, деб таъкидланди. Ўз ҳаётини армия билан, Ватан ҳимояси йўлидаги хизмат билан бир умрга боғлаган инсоннинг умуман машаққатли тақдирини ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ офицерларнинг хотинлари биладилар. Мамлакатнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига неча марталаб кўчиш, уй-жой билан боғлиқ доимий қулайсизликлар, баъзида ўз боласини болалар боғчасига, мактабга жойлаштира олмаслик, доимий ишсизлик — кичик гарнизонлар, ҳарбий шаҳарчаларда ишни қаёқдан оласиз? Буларнинг ҳаммаси офицерлар оилаларининг доимий ҳамроҳларидир.

Шундай бўлсада, округнинг кўпгина қисмларида иш олиб бораётган хотин-қизлар кенгашлари тарбиявий ишлар олиб боришда, офицерларнинггина эмас, айни вақтда солдат ва сержантларнинг ҳам дам олишини уюштиришда қўмондонликнинг, сиёсий органларнинг беқиёс ёрдамчиларига айландилар.

Округ сиёсий бошқармаси тажриба алмашиш, иш юритишнинг янги қизиқарли шакллари тўғрисида бир-бирига гапириб бериш мақсадида офицерларнинг жанговар дугоналарини Тошкентга таклиф этди.

Учрашувнинг очилишида ҳарбий кенгаш аъзоси — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVIII съезди делегати

УСТ-ЮРТ ЯЙЛОВЛАРИДА

— Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, гўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида қилинаётган ишлар шу куннинг талабларига сира ҳам жавоб бермайди, — дейди тажрибали чўпон Қалмомой Есеев. — Амалда чорва маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилаётган бўлса-да, бироқ халқнинг талаб ва эҳтиёжлари қондирилаётгани йўқ. Эндиликда партия, совет, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари кўп гапдан, қуруқ ваъдалардан, мажлисбозликдан амалий ишга ўтишлари, ўз фаолиятларида жиддий ўзгаришлар қилишлари лозим. Агар шундай қилинмаса, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш даражаси аҳоли эҳтиёжига нисбатан ўта пастлигича қолиб кетаверади, умуман иқтисодиётимиз ҳам оқсайверади. Шундай экан, ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист ва партия ташкилоти айнан ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ масъулият, ғайратшижоат ва ташаббускорлик билан, виждонан ишламоқлари даркор...

Қалмомой Есеевнинг фикр мулоҳазалари, коммунистларга нисбатан юксак талаблари ўринли. Шахсан у оддий бир чўпон бўлиб ишлаётганига қарамасдан, жамоат ишларида фаол қатнашади. Илғор тажрибаларни оммалаштиришда, инсон омилини фаоллаштиришда партия, касаба уюшмаси ташкилотларига яқиндан ёрдам беришга интилади.

Қўнғирот районидаги қорақўлчиликка ихтисослашган «Устюрт» совхозида бош чўпон бўлиб ишлаётган ёш коммунист Қалмомой Есеев ҳар йили қўзи олиш, жун тайёрлаш планларини ошириб бажармоқда. Биласиз, чўпоннинг иши серташвиш — кеча-ю-кундуз тинчимайди. Дам олиш кунлари билан ҳам ҳисоблашмай ишлашга тўғри келади. Қалмомой ўз касб маҳоратини ҳамиша ошириб бормоқда. Турмуш ўртоғи Жипак Есеева ҳам ёнида, ёрдамчи чўпон бўлиб ишлайди. Уларнинг биргаликдаги меҳнати бу йил янада самарали бўлди. 666 бош совлиқнинг ҳар биридан биттадан соғлом қўзи олишга эришдилар. Шундан 432 бош қўзи ўстиришга қолдирилди.

Совхозда Қ. Есеев билан бирга ишлаётган Ўтесин Қобулов, Тўепберген Сейлаганов, Айтбой Асабоев, Шашти Маженова, Абдиреш Абдикаримов каби бош чўпонлар ҳам ҳар юз совлиқдан 100—101 тадан қўзи олишга муваффақ бўлишди.

— Хўжалигимиз партия ташкилоти миқёсида олдинган бўлсак, — дейди совхоз партия комитети котиби муовини О. Избостиев, коммунистлар ўзларига топширилган вазифаларни виждонан, бажонидил бажармоқдалар. Биз кўп партиялиликка ҳам зарурат сезаётганимиз йўқ. Аксинча, кўпроқ асосий партия — КПССнинг роли ва мавқеини оширишимиз лозим. Ж. Байжанов, К. Бийсенбаев, С. Қалбаева, Д. Бикараев, Қ. Рисбоев, Т. Ешқувватов каби коммунистлар жамоат ишларига, айниқса, ёшлар билан иш олиб боришга вақт топадилар, яхши дастурлар, режаларни оммалаштиришда бир-бирларига кўмаклашадилар.

— Қалмомой Есеев чўпонлар орасида қайсар, у ҳеч вақт айтганидан қайтмайди — деб сўзини давом эттирди О. Избостиев. — Бирор ишни зиммасига олдими уни ниҳоясига етказмагунча тинчимайди. Кези келганда тенгдош чўпонларга ҳамиша ёрдам беради.

Қалмомой Есеев Устюртда, совхоздан қарийб 400 километр олисдаги Бўстон массивида қўй боқяпти. У ерда ҳаммаси бўлиб олти отар қўй парвариш қилинмоқда. Мана шу массивнинг келажаги яна ҳам яхши бўлади. Бироқ бу ернинг ҳозирги аҳволидан чўпонлар ранжишмоқда. Бийдай чўлда тарихий ёдгорликларнинг кўплигини айтмайсизми?!. Ана шу ўтмишдан қолган меросимиз ёдгорликларнинг ҳозирги аҳволи ва уларни сақлаб қолиш борасидаги ишларни кучайтириш ҳақида қайғуришимиз керак. Айниқса, Белеули яйловларидаги ёдгорликларнинг аҳволи жуда ночор. Шунингдек, Бўстон массивини суғориш борасида ҳам ҳеч қандай иш олиб борилаётгани йўқ. Бу массива борадиган йўлни асфальтлаш, электр симлари тортиш, телефон элтиш каби зарур ишлар бирон бир ташкилотнинг, бирор бир раҳбарнинг хаёлига ҳам келмаяпти. Ҳатто шу массивда қўй боқаётган чўпонларга оддийгина савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам пайсалга солиб келинмоқда. Бу ерга кўчма дўкон, тиббий хизмат кўрсатиш машиналари келган эмас. Газета ва журналлар ҳам сира келтирилмайди. Район партия, совет, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари раҳбарлари чорвадорларга биринчи галдаги, энг оддий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишни эсдан чиқармасликлари керак эди.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида турган 86 нафар коммунист совлиқлардан олинадиган қўзиларни йил сайин кўпайтириш, гўшт, жун, қорақўл тери тайёрлашни ошириш ва яхшилаш ҳисобига чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бунда айниқса, ёш коммунист, бош чўпон Қалмомой Есеев ибрат кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам у Қорақалпоғистон область партия конференциясида КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайланди.

— Агар сизга съездда сўз берилганида нималар ҳақида гапирган бўлар эдингиз? — деган саволимизга у бундай жавоб берди:

— Мен кўпроқ Орол денгизи муаммоси, экологик қийинчиликлар ва Устюртдаги биз меҳнат қиладиган яйловлар ҳақида гапирган бўлар эдим, — деди у. — Айни шу кунларда биз мавжуд сувдан самарали, тежаб-тергаб фойдаланишимиз керак. Бўстон, Қасарма, Ободон массивларини қудуқ қазиб сув чиқариш йўли билан майсазорларга айлантиришимиз лозим. Шу йўл билан экин майдонларини ҳам кенгайтириб, кўпроқ беда, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлардан мўл ҳосил олишга эришиш мумкин. Шундай қилсак, Устюртда қўйчиликни кескин ривожлантира оламиз. Массивларда, яйловларда чўпонлар учун турар-жойлар етишмаяпти. Чўпонлар ўзлари яккатартибда турар-жой қуриб олишлари учун эса ёғочтахта, мих, цемент, шифер ва бошқа қурилиш материаллари йўқ. Бундай аҳволда уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришнинг нима фойдаси бор? Тегишли мутасаддиташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари ва амалий ёрдам беришлари керак. Ҳали овулларда ечимини кутаётган чигал масалалар жуда кўп...

Шундай қийинчиликларга қарамасдан, совхоз коммунистлари, чорвадорлари коллектив, бригада, звено ва оила ижара пудрати асосида меҳнат қилиб, ўтган қишлоқ хўжалиги йилини муваффақиятли якунладилар ва 1 миллион 329 минг сўм фойда олишга эришдилар. Шу йилнинг дастлабки ойлари ҳам муваффақиятли якунланмоқда. Бунда Қалмомой Есеев каби бир сўзли, серғайрат, фаол ва ташаббускор коммунистларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Хўжалик меҳнат аҳли, коммунистлар Қ. Есеевнинг Иттифоқ коммунистларининг катта анжуманида ҳам ўз ишончларини оқлашига аминдирлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат **А. Х. Тошкенбоевнинг** Ер тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида қилган маърузаси юзасидан қизғин муҳокама бўлиб ўтди.

— Маълумки, ер — иқтисодий тараққиётимизнинг асоси, у ҳимоя қилинишга муҳтож, она заминдан оқилона равишда илмий фойдаланиш лозим, — деди музокарани очар экан халқ депутатлари Хазорасп район Советининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби депутат **Ш. Муродов.** — Бу умумхалқ вазифаси, айни ҳозир ер тўғрисидаги Қонун қабул қилинаётганлиги тасодифий эмас.

Кейинги вақтда жумҳурият Компартияси ва ҳукуматининг, Президентнинг кучгайратлари билан анча ишлар қилинди. Пахта экиладиган майдонлар камаймоқда, илмий асосдаги алмашлаб экиш амалга оширилмоқда, оз бўлса ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини оширишга эришилди. Одамларни томорқа ерлари билан таъминлаш янада самарали тадбирларинг биридир. Районимиз деҳқонларига фақат ўтган йилнинг ўзида 1839 гектар ер тақсимлаб берилди.

Лекин ҳали кўплаб ҳал этилмаган муаммолар, фойдаланилмаган резервлар — жумладан, жамоа, ижара, оила пудрати сингари илғор усуллардан фойдаланишда ҳал этилмаган муаммолар бор. Ер тўғрисидаги қонун лойиҳасида деҳқонларнинг ҳуқуқлари акс этган, қишлоқда тўпланиб қолган кўпгина иктимоий муаммоларни самаралироқ ҳал этиш мумкин бўлади. Бинобарин, деҳқонлар учун яратилаётган имкониятлар давр талабларига жавоб бермайди. Деҳқонлар ҳали ҳам сув танқислигидан, яхши техниканинг етишмаслигидан қийналмоқдалар. Районимизда йил сайин киши бошига ажратиладиган ер камайиб бормоқда. Аҳолининг сони кўпаймоқда, айни вақтда янги ерларни ўзлаштириш тўхтаб қолди, сув етишмаслиги натижасида ерлар қисқариб кетмоқда.

Нотиқ қонун лойиҳасига аниқ-равшан тузатишлар киритди, Оролнинг экологик фалокати билан боғлиқ муаммога муфассал тўхталди. Ана шу фалокатдан фақат Қорақалпоғистонгина эмас, у билан баб-баравар Хоразм вилояти ҳам жабрланмоқда.

Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби депутат **Х. Э. Бердиев** ўз нутқида ер тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ундан оқилона ва тўлақонли фойдаланиш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга имконият туғдиришини таъкидлади. Кейинги вақтда ушбу масалада демократия ва ошкоралик байроғи остида хатоликларга, можароларга йўл қўйилди.

Маълумки, 50-60 йил илгари энг яхши суғорма ерлар, яйловлар маъмурий тартибда коллективлаштириб юборилган эди. Кейинчалик бир колхозга тегишли ерлар кўп марталаб тақсимланди, бошқа хўжаликларга берилди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш, хўжаликларнинг ихтисослашиши, яъни катта-катта пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик хўжаликларининг ташкил этилиши ерга эга бўлишда ва ердан фойдаланишдаги анг-лашилмовчиликларни кучайтириб юборди.

Албатта, партия ташкилотлари, Советларнинг раҳбарлари, жумҳурият ҳукумати одамларнинг талабларини эътиборсиз қолдирмасликлари керак. Лекин бунда бутун халқ, бутун жамиятимиз манфаатлари бош вазифа бўлиб қолиши асосий ўринни эгаллаши керак. Ҳолбуки, ҳозир гуруҳларнинг манфаатлари, айрим шахсларнинг ғаразли интилишлари кўпинча устун келмоқда, бу эса баъзида можароларга сабаб бўлмоқда. Биз қабул қилишимиз лозим бўлган ер тўғрисидаги қонун бундай аҳволга барҳам бериши, бугунги кунининг талабларини тўла назарда тутиши керак.

Нотиқ муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига бир қанча қўшимчалар ва унинг моддаларига тузатишлар киритди.

— Мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги қонунларнинг муҳокамаси бу қайта қуриш туфайли турмушимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларнинг ёркин далилидир. Агар қайта қуриш фақат сиёсий системага тааллуқли бўлиб, иқтисодий соҳага таъсир этмаса, бу фақат қуруқ гап бўлиб қоларди, деди «Жўсурханводстрой» қурилишмонтаж бошқармасининг бошлиғи депутат **А. Тожиев.** — Мулкчилик чегарасини қонуний асосда белгилаб олмасдан биз қайси минтақа кимни боқяпти деган миш-мишлар йўлини тўса олмаймиз. Қонун лойиҳасини умуман қўллаб-қувватлаб, ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи эдим.

Нотиқ қонунлар лойиҳасининг бир қанча моддалари юзасидан ўзининг аниқравшан тузатишларини таклиф этди. У лойиҳанинг кўп моддаларида уларнинг тўла маъноси очиб берилмаганлигига депутатларнинг эътиборини қаратди. Шу муносабат билан ҳар бир моддани янада батафсилроқ изоҳлаб беришни ва бу билан қўшимча норматив ҳужжатлар пайдо бўлиши мумкинлигини чеклаб қўйишни таклиф қилди.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори депутат **Э. Т. Шайхов** ўз нутқида Ер тўғрисидаги қонун жумҳуриятнинг бутун ривожи, унинг аҳолиси турмуш даражасини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Суғориладиган ерлар — Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги. Кейинги ўттиз йил ичида суғориладиган майдонлар деярли бир ярим баравар кўпайтирилди. Шунга қарамай, ердан хўжасизларча фойдаланиш, уни саноат, қурилишга бериш натижасида, шунингдек аҳолининг ўсишини ҳисобга олиб, киши бошига тўғри келадиган ер 1970 йилдаги 0,31 гектардан 1990 йилда 0,20 гектаргача камайди.

Бундай аҳвол, шунингдек қишлоқда ишсизларнинг кўпайиши деҳқонлар турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Пахта хом ашёси нархининг пастлиги сабабли жумҳурият колхозчиларининг ўртача ойлик даромади атиги 73 сўмни ташкил этади.

Ер тўғрисидаги қонун лойиҳасида асосан ердан фойдаланиш борасидаги барча масалалар назарда тутилади. Лекин лойиҳанинг суғориладиган ерлар ҳақидаги 27-моддасида ер қандай ҳолларда суғориладиган ер ҳисобланиши, қандай ҳолларда бундай ҳисобланмаслиги равшан эмас. Ушбу моддани шундай қоида билан тўлдириш керак: суғориладиган ҳосилдор ерлар қонун томонидан алоҳида ҳимоя қилиниши лозим, суғориладиган ерлар майдони қисқаришига йўл қўйиш мумкин эмас.

Ҳозир жумҳуриятимизда 165 минг гектар ер томорқа сифатида 1 миллион 340 минг қишлоқ оиласига тақсимлаб берилган. Президентнинг бу қарори лойиҳанинг 22-моддасида тасдиқланади.

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда йилига ҳар киши бошига 31 килограмм гўшт тўғри келмоқда. Айни вақтда бу кўрсаткич мамлакатимизда 66 килограммни ташкил этади. Гўшт етиштириш ишида шахсий ёрдамчи хўжаликларга катта аҳамият берилиши керак. Ҳозирги вақтда қишлоқ хонадонларининг 37 фоизида сигирлар йўқ, бу хонадоннинг ярми қўйга эга эмас. Шундай қилиб, 22-моддада ҳар бир оиланинг ўз шахсий ёрдамчи хўжалигини вужудга келтиришдан манфаатдорлигини мустаҳкамлаб қўйиш керак бўлур эди.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган яна бир қанча моддама-модда тузатишлар таклиф этилди. Бунда ер тўзилиши махсус хизмати катта аҳамият касб этган бўлур эди. Ўз вақтида маҳаллий Советлар ҳузурида бундай идоралар мувафақиятли иш олиб боришганди. Лекин ҳозир, нима сабабдандир, бундай хизматларни тиклаш ҳақидаги таклифлар қўллаб-қувватланмаяпти.

— Ер тўғрисидаги қонун лойиҳасида ердан фойдаланиш ва ҳуқуқий нуқтаи назардан тартиб ўрнатишга доир барча муҳим вазифалар қамраб олинган, деб таъкидлади Тўрткўл район партия комитетининг биринчи котиби депутат **Г. Н. Хожиев.** — Шу муносабат билан бир қанча аниқ таклифларни киритмоқчи эдим.

6 ва 7-моддаларга ерга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва ижарага бериш ҳуқуқи маҳаллий Советларнинг розилиги билан амалга оширилиши ҳақида қўшимча киритилишини таклиф этаман. Бугун баъзи минтақаларда иттифоқ тобелигидаги корхоналар қурилиши аҳолининг норозилигини келтириб чиқараётганлиги ва шунингдек ижтимоий танглиқни ҳисобга олиб, 13-моддага қуйидаги тузатишни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман: умумиттифоқ мулкига кирадиган корхоналар ва иншоотлар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР ўртасида дастлабки аҳдлашув асосидагина бунёд этилиши керак, бунга шунингдек район ва шаҳар Советлари ҳам розилик беришлари зарур.

Нотиқ қонун лойиҳасининг қўшма корхоналар, хорижий юридик шахслар иштирокида халқаро бирлашмалар тузишга жумҳурият ҳуқуқи эътироф этилган қоидасини қўллаб-қувватлади. Шу маънода Қорақалпоғистон АССР ҳуқуқларини ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ер тўғрисидаги қонун Олий Советнинг янги таркиби қабул қилиши зарур бўлган асосий қонунларнинг биридир, деди у, сўзининг охирида. Шу билан бирга бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиш мумкин эмас. Лойиҳа сессияда муҳокама қилинганидан сўнг уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш таклиф этилди. Бу сайловчиларнинг фикрини чуқурроқ ўрганишга, қонунни янги қоидалар билан бойитишга имкон беради.

— Ҳозирги сессияда қабул қилинадиган Ер тўғрисидаги қонун Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқаришини таъминлаш учун ҳақиқий истиқбол яратади, — дея ўз фикрини изҳор қилди Нурота район партия комитетининг биринчи котиби депутат **З. З. Нуриддинов.** — Ер ўз соҳибига эга бўлиши кераклиги ҳаммага маълум. Унинг соҳиби халқ бўлиши керак, чунки буни Улуғ Октябрь социалистик инқилоби эълон қилган.

Кейинги даврда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, ер туфайли келиб чиқаётган можаролар бизни шоширмоқда, энг муҳим қонунларни тезроқ қабул этишни талаб қилмоқда.

Мендан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг қонунда ерга эга бўлиш ҳуқуқини аниқ белгилаш хусусида таклиф этган тузатишларини тўла-тўкис қувватлайман. Район ва қишлоқ Советлари ҳозир қабул қилаётган қарорларни вилоят ва юқори ташкилотлар кўпинча йўққа чиқаришмоқда — маҳаллий Советлар ҳозиргига нисбатан кўпроқ ваколатга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайман. Лойиҳада ерга солиқ солиш масалаларида ҳам аниқлик йўқ, халқ депутатлари Советларига маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, солиқ белгилаш ҳуқуқи берилишини таклиф этаман.

Жумҳурият учун мулк ва ер тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши қай даражада ҳаётий муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлашни хоҳлардим. Бу қонунлар иложи борича тезроқ амал қилиши зарур. Айни вақтда шошма-шошарликка йўл қўйиш мумкин эмас. Шошма-шошарлик қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш чоғида хатоларга олиб келиши мумкин.

— Бу ерда Ер тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақида қарама-қарши фикрлар билдирилди, — деди Наманган вилоят ижроия комитетининг раиси, депутат **Б. Ж. Ҳакимов.** — Қонун албатта қабул қилиниши керак. Бу бизнинг бойлигимизни сақлаб қолишга ёрдам беради. Фан ва техника қай даражада ривожланмасин, халқни, ҳар биримизни она заминда етиштирилган маҳсулотлар боқади.

Энди аниқ таклифларимни айтмоқчиман. Қонуннинг юқори унумли ерлар тўғрисида гапирилган 7 ва 15-моддаларига аниқлик киритиш лозим. Гап шундаки, Ўзбекистон шароитида барча суғориладиган ерлар юқори ҳосилли ва қимматбаҳо ер ҳисобланади.

Ер тақсимлаш тартиби тўғрисидаги қоида жуда муҳим ҳисобланади. Ҳозир 15-20 минг аҳоли яшайдиган қишлоқлар бор, улар 1000-1200 гектар ерга эгадирлар. Бу ерларда атиги 500-600 киши ишлайди. Қолганларини иш билан таъминлаш — муаммодир. Саноат корхоналари ва бошқа корхоналарни қурмай туриб, ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун тегишли майдон керак. Қонунга аниқлик киритиш, жумҳурият Олий Совети ёки Министрлар Кенгаши айрим ҳолларда маҳаллий Советлар билан келишиб, бундай корхоналар қуриш учун керакли ер олишлари мумкинлигини таъкидлаш даркор.

Колхозларимизнинг молиявий аҳволи ҳаммамизга маълум. Агар 1991 йилдан ерга солиқ солинадиган бўлса, уларнинг аҳволи янада ёмонлашади. Қонунга 1996 йилдан бошлаб ерга солиқ солишни жорий этиш тўғрисидаги қоидани киритишни таклиф қиламан. Ёки колхоз ва совхозларнинг рентабеллигига қараб, уларнинг баъзиларини солиқнинг бу туридан озод қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хўжасизлик оқибатида кўп ерлар яроқсиз ҳолга келганлигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. 500 минг гектар майдонни туз босган. 450 минг гектар ер яроқсиз ҳолга келган. Бу аҳволни ўнглаб олиш мумкинми? Буни кимнинг ҳисобидан қилиш мумкин? Қишлоққа катта-катта капитал маблағлар ажратилмоқда, лекин ундан олинаётган самара кам. Боз устига, кейинги йилларда бу маблағлар ҳам қисқариб кетмоқда. Бу энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилган маблағларга тегишлидир. Хусусан уларнинг ҳосилдорлигини етарли даражада сақлаб туриш учун энг аввало давлат ғамхўрлик қилиши керак.

Қашқадарё вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг бош мутахассиси, депутат **С. Усмонов** ҳам ер халқ бойлиги, ҳаёт манбаи эканлигини таъкидлади. Уни авайлаб-асраш жамиятимиз ҳар бир аъзосининг бурчидир. Шу сабабли қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши керак.

У лойиҳани асосан қўллаб-қувватлар экан, бир қанча мулоҳазалар айтди. Масалан, 17-моддада ер учун ҳақ тўлаш ҳақида гапирилади. Бу пул қишлоқ, район, шаҳар Советларининг бюджетига тушиши керак. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР бюджетига тушади. Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон АССРнинг марказлашган фондларига тушадиган тўлов ҳақи 20 фоизни ташкил этади, деб аниқ белгилаб қўйиш керак. 59-моддада ҳар беш йилда давлат ер кадастрини ўтказиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилса тўғри бўларди.

60-моддага эса мелиоратив кадастр ҳақидаги қоидани киритиш лозим бўлур эди. Қашқадарё вилоятида, масалан, 60 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини анча яхшилаш зарур. Жумҳурият Министрлар Кенгаши ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш программасини ишлаб чиққанлигига қарамай, бу мақсадлар учун жуда кам маблағ ажратилмоқда.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларига келганда, Қашқадарё вилоятининг яйловлари ўсимлик дунёси жуда камбағал. Шундай бўлсада, «Узбекнефтегазгеология» бирлашмасининг бўлинмалари минглаб гектар яйловларни пайхон қилмоқда, халқ бойлигига путур етказмоқда. Зотан, бу яйловларни ўн йиллар мобайнида ҳам тиклаб бўлмайди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг ер учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоидаси устида тўхталмоқчи эдим, — деб таъкидлади ўз нутқида Фарғона вилоятининг Фрунзе районидаги «Коммунизм» совхози директори депутат **А. Ниёзов.** — Ушбу маблағлар шу вақтгача марказлашган фондга кетарди. Бу пуллар колхоз ва совхозларнинг ҳисоб дафтарчаларида қолиши керак, деб ҳисоблайман.

Ер кадастри муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди. Олимлар ердан фойдаланишни жадаллаштиришни кучайтириш керак, деб айтишмоқда. Лекин гектар бошига 20-25 центнердан ҳосил берадиган ердан 30-35 центнер ҳосил олишни режалаштирадилар. Шундай бўлгач, қандай самара кутиш мумкин? Хўжаликларга фақат кадастрга қатъий риоя қилган ҳолда план берилиши керак.

— Биз ернинг соҳиби ким эканлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим, — деди муҳокама чоғида Бухоро вилояти «Томди» давлат наслчилик заводининг директори депутат **А. Исаев.** — Мулк тўғрисидаги қонун лойиҳасида ҳам, ер тўғрисидаги қонунда ҳам бу масалада аниқлик йўқ. Ана шу асосий икки ҳужжатда колхоз ва совхозларнинг ерга эгалик ҳуқуқини таъкидлаш лозим. Бунингсиз қонунлар иш бермайди.

Масалан, 15-моддада шундай дейилади: «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини ёки унинг бир қисмини ер эгасининг розилиги ёки тегишли Советларнинг рухсати асосида ердан фойдаланувчи киши билан келишган ҳолда олиш мумкин». Бунга: «Ер олинаётганида томонларнинг розилиги билан амалдаги ва назарда тутилган зарарларни албатта қоплаш шарти билан...» деган сўзларни қўшиб қўйиш керак.

Акс ҳолда колхоз ва совхозлар ернинг соҳиби бўла олмайдилар. Улар қандайдир эҳтиёжлар учун ернинг бир қисмини бериб, ўз зарарларини тўла қоплаш имкониятларини олганлардагина ер соҳиби бўладилар. Айтайлик, геологлар, кон қазувчи саноат ер оладиган бўлди. Бу далалар хўжаликларга ҳам керак. Улар фойда келтириши мумкин эди. Хўш, ернинг ҳақиқий эгаси — деҳқон яна нима сабабдан маҳрумликка чидаши керак? Нима сабабдан ер эгасига ана шу фойданинг ўрнини қоплаб бериш мумкин эмас? Ана шу тарзда товон тўлашни талаб этиш учун қонуний асос керак.

— Бу колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ёқмаслиги мумкин, лекин биз якка деҳқон хўжалигини вужудга келтиришимиз керак, — дея таклиф киритди муҳокамада қатнашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби депутат **Муҳаммад Солиҳ.** — Бундай моддани қонунга киритиш зарур. Дастлабки босқичда деҳқонларга норентабел совхозларни бериш керак. Бу бугунги кунда кескин равишда етишмаётган қўшимча маҳсулотларни олишга имкон беради, — гўшт, сут, жун кўпаяди, бугунги хўжасизликни бартараф этишга ёрдамлашади.

Ўзбекистонда, расмий равишда тан олинганидек, тўқиз миллион киши ҳозирги пайтда қашшоқликда яшамоқда, бу миллатимизнинг деярли 60 фоизини ташкил этади. Улар асосан ўзбеклар бўлиб, пахта далаларида меҳнат қилишади. Улар тахминан бир ярим миллион оилани ташкил этади. Агар шу оилаларнинг ҳар бирига оз бўлса ҳам ер берилса, бугунги иқтисодий муаммоларни кўп жиҳатдан ҳал қилиш мумкин бўлур эди.

Менинг яна бир таклифим шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларга солиқ солишни 1995-1996 йиллардан бошлаш керак. Бундан аввалроқ солиқ солинадиган бўлса, деҳқоннинг иқтисодий аҳволи оғирлашади. Бундан ташқари, қонунда маҳаллий Советлар қўлида тўпланадиган солиқларнинг ярми колхоз, совхозларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланиши лозимлиги кўзда тутилиши керак.

Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси бошқарувининг раиси депутат **Т. Ф. Қодирова** муҳокама қатнашчиларининг эътиборини Қонун лойиҳасининг 48-моддасига жалб этди. Бу модда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлашга бағишланган. Она заминимиз археологик қадриятларга нақадар бойлиги ҳаммага маълум. Бу — жумҳуриятимизнинг давлат мулкидир, бинобарин уни вайрон қилаётган хўжаликларнинг раҳбарлари олдига жуда қаттиқ талаб қўйиш зарур. Айбдорлар келтирилган зарарни тўла қоплашлари шарт. Тарихий меросимизни амалда муҳофаза этишни таъминлаш, унинг бундан буён емирилишига йўл қўймаслик учун Қонунда ана шундай банд бўлиши зарур.

Депутатлар муҳокама якунларига кўра, бу қонун лойиҳасини ҳам асос учун қабул қилдилар, уни узил-кесил ишлаб чиқиш ва кейинчалик бутунлай тасдиқлаш учун Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этиш мақсадида доимий комиссияга қайтардилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «ХОТИН-ҚИЗЛАР АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссияси раиси депутат Х. М. УСМОНОВА маърузаси

Депутат ўртоқлар!

Шу йил 10 апрелда ССР Иттифоқи Олий Совети «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Хотин-қизларнинг аҳволи, оиланинг яхши турмуш кечириши, ёш авлод масалалари — ҳар қандай жамият учун асосий масалалардир. Ҳар қандай мамлакатнинг тақдири, унинг келажаги маълум даражада шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Аёлга муносабат, унга ғамхўрлик қилиш жамият қай даражада маданиятли эканлигини кўрсатувчи муҳим белгидир.

Афсуски, бизнинг мамлакатимизда барча аҳолининг деярли учдан икки қисмини ташкил этувчи аёллар ва болалар давлатнинг ғамхўрлигидан бебаҳра қолдилар ва бу нарса ҳозир очиқ кўринмоқда. Оналар зиммасига икки ёқлама: ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам оилада юмуш ортиб қўйиш қайғули анъанага айланиб қолган. Кўпгина корхоналарда, цехларда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоидаларини, меҳнат қонунлари талабларини бузиш одат тусига кириб қолди. Колхозлар ва совхозлар далаларидаги оғир меҳнат ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Хотин-қизларнинг рўзғордаги меҳнат шароитларини енгиллаштириш муаммоларини ҳал қилишда кўпгина ривожланган мамлакатлардан анча орқада қолиб кетганимиз ҳам маълум.

Кўп болали оилалар аниқса оғир аҳволда. Бундай оилалар эса республикамизга жуда хосдир. Таъминоти кам бўлган фуқароларнинг бошқа тоифалари: ёлғиз оналар, болалар уйларининг, бошқа махсус муассасаларнинг тарбияланувчилари давлатдан етарли моддий ёрдам ололмаётирлар. Очиқ айтиш керакки, давлат нафақалари ва имтиёзларининг амалдаги системаси ана шу фуқароларнинг кўплари маърифатли жамият аъзоларига муносиб турмуш кечиришига кафолат бермайди.

ССР Иттифоқи Олий Советининг шу йил 10 апрелдаги қарорига ана шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Бу қарор аввало камбағал оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур қарор асосий эътиборни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларига қаратиш бугунги кунда партия ва давлатимиз амалга ошираётган сиёсатнинг негизи бўлиб қолаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳукумат жуда катта молиявий қийинчиликларга қарамай, хотин-қизлар ва болаларнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун 3,2 миллиард сўм топа олди.

СССР Олий Советининг қарори болаларга давлат нафақалари беришнинг янги миқдорлари, тартиби ва шартларини белгилайди. Чунончи, бола бир ярим ёшга етгунча унга қараб туриш учун бериладиган давлат нафақасининг миқдори ойига 35 сўмга оширилади ва энг кам миқдордаги иш ҳақи даражасига, яъни ойига 70 сўмга етказилади ёки икки бараварга оширилади. Эгизаклар туғилган ҳолларда бундай нафақани ҳар бир бола учун тўлаш кўзда тутилган.

Илгари нафақа олмаган аёлларнинг баъзи тоифалари ҳам нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу қоида бир йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлайдиган аёлларга, шунингдек 18 ёшга тўлмаган ёш оналарга тааллуқлидир. Шу нарса сир эмаски, ўз чақалоғидан воз кечиш, уни туғуруқхоналарга ташлаб кетиш ҳолларининг кўпайганлиги кўпинча ёш оналар тирикчилик манбаларисиз қолаётганлиги билан боғлиқдир. Бинобарин бу инсонпарвар, юксак ахлоқий тадбир бўлиб, у она ва бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ёлғиз оналарга, болалар уйлари — интернат мактабларнинг собиқ тарбияланувчиларига бериладиган давлат нафақасининг миқдори ҳам энг кам иш ҳақи даражасига етади.

СССР Олий Совети қарорининг бир қанча бандлари аёлнинг бола тарбиясини ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш билан қўшиб олиб бориши учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган. Аёлларнинг ҳомиладорлик бўйича отпускаларини чўзиш, 14 ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларга болага қараш учун бериладиган отпускаларни узайтириш, уларнинг илтимосларига биноан тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида, шу жумладан ўзгарувчан графиклар бўйича меҳнат қилиш имконияти ана шундай тадбирлар жумласидандир.

Ишлаб чиқаришда ва қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишни тартибга солиш бўйича кўп йиллар аввал таркиб топган норма ва қоидаларни, ҳомиладор аёлларни ва оналарни медицина кўригидан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиш зарур деб топилди.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг хотин-қизлар ва балоғатга етмаган меҳнатидан янада оқилона фойдаланишдан манфаатдорлигини оширишга, хотин-қизлар ва балоғатга етмаганлар, шунингдек тўла меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаган фуқароларнинг жисмоний-руҳий хусусиятларини, ёшини ва бошқа жиҳатларини албатта ҳисобга олган ҳолда кўпроқ улар эгаллайдиган касблар ва ишлар рўйхатини бегиналга қаратилган чора-тадбирлар Олий Совет қарорида алоҳида ўрин олган.

СССР Олий Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советига пахта ва тамакини йиғиб-териб олиш ва уларга бирламчи ишлов беришнинг безиён технологиясини, шунингдек бу ишларни бажариш учун меҳнатнинг тегишли шакларини ва шароитларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни топширди. Бу топшириқ республикамизнинг қишлоқдаги меҳнаткаш хотин-қизлари манфаатига тўла-тўкис жавоб беради. Бу масаланинг ҳал этилиши пахтакорларнинг, аввало хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш ва соғломлаштиришга, одамларнинг сиҳат-саломатлигига ва экологик вазиятга ёмон таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишга кўмаклашади.

СССР Олий Совети белгиланган тадбирларнинг айримлари ана шулардан иборат. Уларнинг кўпини 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга ошириш керак бўлади. Қарор минглаб одамларнинг манфаатига дахлдидир. Биргина бизнинг республикамизда оналар ана шу қарорга асосан ҳар йили қарийб 185 миллион сўм қўшимча нафақалар оладилар.

Айни пайтнинг ўзида шу нарса аёнки, ўртоқлар, СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган ҳужжат аҳолининг аҳволини муайян даражада тубдан ўзгартира олмайди. Бу ҳужжатдаги чора-тадбирлар жуда кам бўлиб, у ҳозирги пайтда мамлакатимиз, унинг носоғлом иқтисодиётининг чекланган имконияти даражасидан келиб чиқади.

Шу ҳужжатдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият Олий Совети, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аҳолининг моддий таъминот даражасини, аввало аҳолининг камбағал табақаларининг моддий таъминотини оширишдан иборат собитқадам йўлини жумҳуриятимизда рўёбга чиқарилаётганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бу ўринда жумҳурият ҳукуматининг қатъий, принципиал позицияси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Унинг моҳияти машъум пахта якка ҳокимлигини тугатиш, иқтисодиётни планлаштириш ва ривожлантиришда халқимиз бошига кўплаб кулфатлар келтирган бошқа иллатларни бартараф этишдан иборат.

Пахта майдонларини қисқартириш, 260 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ерларнинг қишлоқ аҳолисига томорқа учун бўлиб берилиши бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Бундай тадбир узоқни кўзлаб қилинган қадам эканлиги аён. У аҳолини иш билан таъминлаш, озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш, меҳнаткашларимизни уй-жой билан таъминлаш сингари мураккаб иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишини тезлаштириш имконини беради. Аҳолининг шахсий хўжалигида боқилаётган чорва ва паррандани ем билан таъминлаш масаласини ҳал этиш билан бирга, якка тартибда уй қурувчиларга биноқорлик материаллари сотиб олишлари учун қарзларнинг берилиши — буларнинг барчаси деҳқон хўжаликларини юксалтиришга мустаҳкам замин тайёрламоқда, қишлоқ меҳнаткашлари оиласининг фаровонлигини ошириш учун реал шароит яратмоқда.

Пахтанинг харид нархига устама ҳақ жориқ этилиши муносабати билан дала меҳнаткашлари ўтган йилнинг ўзидаёқ меҳнатларига тўланаётган ҳақ анча ошганлигини ҳис этдилар. Бу йили эса йиғиб-териб олинган ҳом ашёга тўланадиган устама ҳақ янада кўпроқ бўлишига ишониш учун асослар етарли.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездолди дастурига мувофиқ кўп болали оилаларнинг турмуш шароитини енгиллаштиришга қаратилган бошқа қатор чоралар амалга оширилди. Бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатлантиришини ташкил этиш учун жумҳурият бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиб топилди. Кам таъминланган оилалардаги, камқонлик дардига чалинган ҳомиладор аёлларни бепул овқатлантириш ва дармондорлик беришга 36 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг Фармонига асосан шу йилнинг 1 июлидан кўп болали оналарга берилаётган нафақалар миқдори икки баравар ошади. Ана шу фармонни рўёбга чиқариш учун шу йилнинг охиригача 37,2 миллион сўм ажратилади, тўла йил учун ҳисоблаганда эса бу 74,5 миллион сўмни ташкил этади.

Беморларни амбулатория да даволаш чоғида дори-дармонларни бепул олишлари учун ҳар йили яна 54 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Оролбўйи регионидаги аҳоли пунктларида жойлашган стационарларда овқатланиш ва дори-дармонлар сотиб олишга мўлжалланган харажатларнинг нормаси оширилди.

Мактабгача болалар муассасаларига ва даволаш муассасаларига колхозлар ва совхозлар ажратаётган сут, гўшт, сабзавотларни Ўзбекистон ССР ҳукуматининг яқинда қабул қилган қарорига кўра шу ҳўжаликларнинг давлат буюртмаси ҳисобига қиритишга рухсат этилади. Бу эса мактабгача болалар ва даволаш муассасаларида овқатлар сифатини яхшилаш имконини беради.

(Давоми учинчи бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

Депутат Х. М. УСМОНОВА маърузасининг давоми

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ҳозир ҳамма иш маҳаллий Советларга, халқ депутатларига боғлиқ. Улар болаларнинг овқатланишини таъминлаш этиш даражасини ошириш учун аниқ чора-тадбирлар кўришга, болаларнинг сутли овқатларини тайёрловчи муассасалар тармоғини кенгайтириш, озиқ-овқат турларини яхшилаш билан жиддий шуғулланишга мажбурдирлар.

Кўп болали она томорқа участкасида меҳнат қилиб етиштирилган маҳсулотларни давлатга топшириш бўйича шартнома тузса, бу унга меҳнат дафтарчасига эга бўлиш ва қарилик пенсияси олиш ҳуқуқини беради. Бу тартиб меҳнаткаш оила учун катта ёрдамдир.

Бироқ назаримда, ҳаммамиз бир масалада ҳамфикр бўлсак керак. Халқнинг турмуш даражасини кескин ошириш масаласини тамомила ҳал этиш республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, аввало Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида рўй-рост гапирилганидек, республиканинг ўз ер ости бойликлари ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқининг қарор топишига боғлиқдир.

Ҳозирги сессияда муҳокама қилинаётган «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Бошқа махсус чора-тадбирлар билан бир қаторда ана шу вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган шароитлар жумласига пахта яккаҳокимлигидан бутунлай воз кечиш ва ниҳоят пахта ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш учун сарфланган реал меҳнатни акс эттирувчи ҳақиқий харид нархларини жорий этиш, пахта хом ашёсига ҳозиргача амал қилиб келинаётган 100 фоиз давлат буюртмасидан сўзсиз воз кечиш тадбирлари киради. Буларнинг барчаси республикага ўз маҳсулотлари билан халқаро бозорга чиқиш имконини беради. Шунинг учун ҳам бизнинг комиссиямиз Президентимизнинг «Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини маъқуллайди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ССРда хотин-қизларнинг аҳволини, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилашни назарда тутувчи давлат программасини тузиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар масаласи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссияси бу программада бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида кўп болали, кам таъминланган оилалар зарур даражада ижтимоий ҳимояланишини кафолатловчи тадбирлар муҳим ўрин эгаллаши керак, деб ҳисоблайди. Комиссиямиз аъзолари жумҳурият Президенти ва ҳукуматимизнинг бозор муносабатларига муқаррар равишда ўтилишини тушунган ҳолда айрим тадбирлар шошма-шошарлик билан, етарли даражада ўйланмай ва ҳар бир республиканинг хусусиятлари инобатга олинмай қабул қилинганлигидан ташвишларига тамомила қўшиладилар. Ҳозиргина Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов бу ҳақда батафсил гапирди.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон ССР бозор иқтисодиётига фақат ҳозирги аҳволимизни Умумиттифоқ фонди ҳисобига баравварлаштириб олганимиздан кейингина ўта олади. Бу ўринда гап меҳр-мурувват тўғрисида эмас, балки республиканинг мамлакат халқ хўжалиги комплексига қўшган реал ҳиссасини қонуний тарзда қайтариш ҳақида кетяпти, деб таъкидлаб ўтилди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ўзининг ижтимоий ўрнига кўра меҳнаткаш аёл, унга алоҳида эътибор берилишигагина эмас, балки қўшимча имтиёзлар, отпускалар нафақалар ажратилишига муҳтож бўлади. Ана шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизлар ишсизларнинг биринчи сафида бўлиб қолмаслиги учун улар тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилиш лозим. Хўжалик ҳисоби шароитларида ҳам корхоналар хотин-қизларни фаол меҳнатга жалб этишдан манфаатдор бўладиган шароитни яратиш лозим. Ва бу масалалар депутатларнинг доимий назоратида қолиши керак.

Қишлоқ хўжалигида ижара пудратига ўтилиши хотин-қизларимизнинг аҳволини енгиллаштирмаслиги аён. Айниқса, оилавий пудратга ўтилганда яна ҳам баттарроқ бўлди. Оилавий даромадга қизиқиб она ҳам, бола ҳам эртаю кеч далада. Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг сиёсий маърузасида аччиқ ҳақиқат очиқ айтилди: ҳозир гап туғруққа ёрдам бериш, даволаш, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа муассасалар ишидаги айрим камчиликлар хусусида эмас. Кун тартибига миллатнинг ирсий аҳволи тўғрисидаги масала қўйилган. Ана шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда иш билан таъминлаш, кишиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, болалар ўртасида ва оналар ўртасида ўлимни камайтириш муаммосининг ҳал этилишига ҳамманинг эътибори қаратилиши керак. Бу муаммолар халқ депутатлари барча Советларининг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг, хўжаликларнинг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб қаралиши лозим.

Бу борада имкониятларимиз жуда беқиёсдир. Бир гина рақамни мисол тариқасида келтирмоқчиман. Жумҳурият корхона ва муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий фондида қарийб 1,5 миллиард сўм фойдаланилмай қолиб кетмоқда. Айрим министрликлар ва идоралар учун характерли хусусият бўлиб қолган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига расмиятчилик билан, юзаки муносабатда бўлишни бартараф этиш керак. Бизнинг республикамиз шароитида чақалоқларни тўғри овқатлантириш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Болалар ўртасида ўлимнинг юқори эканлиги — асосан ошқозон-ичак касалликлари оқибатидир. Айни шу сабабли ҳам жумҳурият Министрлар Совети Қишлоқ хўжалиги давлат—кооператив комитетига шу беш йилликда болалар озиқ-овқатларини тайёрловчи қатор корхоналарни қуришни топширган. Беш йиллик тугаб боряпти. Лекин 1984 йилда қурилиш бошланган ва 1988 йилда ишга туширилиши лозим бўлган Каттақўрғон мева-сабзавот консервалари заводи ҳанузгача маҳсулот бермаяпти. Сут маҳсулотлари тайёрловчи 28 та болалар ошхонаси, Нукус, Андижон, Фарғона шаҳридаги сут заводлари ҳузуридаги болаларга озиқ-овқатлар тайёрловчи цехлар қуриб битказилмади. Ана шундай йирик маҳкама ўз меҳнаткашларининг энг зарур эҳтиёжларига лоқайдлик билан муносабатда бўлгач, яқин келажакда ишларнинг аҳволи яхшиланишига умид қилиб бўладими?

Ҳукумат программасида соғлиқни сақлаш моддий базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳал этилиши керак. Бу ўринда бугунги кунда республиканинг қарийб 3500 аҳоли пунктида соғлиқни сақлаш муассасалари йўқлиги, даволаш, касалликнинг олдини олиш муассасаларининг қарийб 40 фоизи водопровод суви билан таъминланмаганлиги ҳисобга олиниши керак.

Аҳвол бундай бўла туриб, касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига ажратилган маблағларнинг кўп қисми ўзлаштирилмаяпти. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида давлат капитал маблағларининг 120 миллион сўми ўзлаштирилмади. Медицина муассасаларининг ускуналар билан таъминланганлик даражаси жуда паст, малакали тиббий ходимлар етишмайди.

Биринчи навбатда болалар ва кекса ёшдаги кишилар учун арзон нархларда моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Енгил ва маҳаллий саноат маҳсулотларига давлат буюртмаларини шартнома баҳоларда, «Янгилик» индекси билан ва ўта замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш эвазига бажариш ва ошириб бажаришдан иборат ярамас одатни тугатиш керак, деб биламиз.

Енгил ва маҳаллий саноат министрликларига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 27 декабрдаги 476-сонли қарори бажарилмаётганлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Жумҳуриятда соғлиқни сақлаш соҳасида юз берган вазиятни, хусусан ҳаётимизни давом эттирувчилар — аёлларнинг, миллатимизнинг келажаги бўлган — фарзандларимизнинг аянчли аҳволини ҳисобга олиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни алоҳида маблағ билан таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳаммамизга аёнки, соғлиқни сақлаш, хотин-қизларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашда ҳал этилмай қолаётган муаммолар жуда кўп. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳаммасини бирданига ҳал қилиш қийин, албатта. Чунки бу масала жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши шарт, деб биламиз.

Ҳурматли депутатлар, халқ соғлиғи, хотин-қизлар, болалар масалаларини пайсалга солмай, дарҳол ҳал этиш керак.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бошчилигида хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш юзасидан давлат программаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу масалаларнинг ҳаммаси программага киритилади.

Ўз навбатида бизнинг комиссия шундай программани яратиш ва амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлигини маълум қиламиз.

Депутат ўртоқлар! Ушбу масала юзасидан Қонун лойиҳаси сизларга тарқатилган. Уни қараб чиқишни илтимос қиламиз.

2. Ақл-идрок устун бўлсин

Қон тўкилган жойларга бориш учун Андижон аэропортида вертолёт экипажи билан келишиб олдик. Ўзганга азият чекканларга ун олиб бораётган вертолётга биз юк ташувчилар сифатида қабул қилиндик.

Қоп-қоп унларни юклаб бўлганимиздан сўнг, вертолёт самога кўтарилди. Пастда Фарғона водийсининг экинзор далалари ястаниб ётарди. Кейин тоғолди зинапоялари пайдо бўлди.

Вертолётчилар ҳикоясини тинглаб борардик. Улар Андижон билан Ўш вилоятлари қишлоқлари ўртасида сакниз кундан бери мунтазам қатнаб туришибди. У ердаги қишлоқларда юртдошларимиз бошига фалокат тушган. Умуман олганда орадан кўп вақт ўтмагану, аммо кунларнинг саноғи эсдан чиқаёзган. Вертолётчилар ҳамма нарсага — икки-уч ҳисса ишлашга ҳам, таҳликали вазиятга ҳам ўрганишди. Фақат кўрган нарсаларига ўрганишолмаяпти. Вайрон қилинган уйлар ҳувиллаган маҳаллалар ва одамлар. Тирик қолганлар юзида ҳудудсиз ғам-андуҳ. Вертолётчилар бошпанадан маҳрум бўлган ўзганликлар бошига тушган бошқа синов—очлик ва сувсизлик ҳақида ҳам гапириб беришди. Ўзбекистон орқали таъминот йўлга қўйилмагунича юртдошларимиз оч-наҳор қолишган.

Вертолёт Ўзган осмонида айланади. Шаҳар дўл қоқиб кетган шип-шийдом дарахтни эслатади. Ёндирилган ва вайрон қилинган маҳаллалар, мавзелар. Бозор майдони ҳувиллаб ётибди. Бронетранспортерларни айтмаганда, йўлларда автомобиллар деярли кўринмайди. Онда-сонда нўзга чалинадиган одамлар қандайдир гангиб қадам ташлашади.

Шаҳар ҳали ўзига келмаган.

Биз стадионнинг яшил майдонига қўндик. Шоша-пиша ун қопларини туширдик: учувчилар моторни ўчиришмаган, уларга «ҳаялламанглар», деб қатъий буйруқ бериб қўйилган. Негаки, талончилар вертолётларга ҳужум қилган ҳоллар ҳам бўлган.

Атрофни бирров кўздан кечириш, шу ерлик аҳоли билан бир-икки оғиз гаплашиш учун бир неча дақиқа бор эди. Одамлар бу ерга ун олишдан ҳам кўра ўз дардуҳасратларини меҳмонларга айтиб юрак бўшатиш, улардан ҳамдардлик, хайрихоҳлик сўзларини эшитиш учун келишганди.

Рўпарамизда оқсоқоллар ва ёшлар, гапларини эшитсангиз бири иккинчисидан жусибатлироқ. Бир эркак икки биродарини кўз олдида чавақлаб ташлашганини, учинчиси бедарак йўқолганини айтиб берди. Уруш даврида Берлингача борган қария эса ўшанда ҳам бундай ваҳшийликни кўрмаганлигини айтди. Атрофдаги тоғлардан автомашиналар ва отларда ёпирилиб келган босқинчиларнинг қиёфалари тўғрисида гапириб беришди, улар икки кечаю икки кундуз шаҳарни тўс-тўполон қилишган. Улар асосан 25—30 ёшлардаги навқиронлардан иборат бўлиб, бошларига қизил пешонабоғ тангиб олишган. Найза, узун дастали болта, милтиқ, автоматлар билан қуролланишган. Босқинчилар қўлида ҳеч қандай қуроли бўлмаган эркакларга ҳам, ёш болали аёлларга ҳам раҳм-шафқат қилишмади.

Суҳбатни узиб қўйиш қийин бўлди. Ғам-андуҳга тўла кўзлардан нигоҳимизни эўрга уздик. Наилож, вертолёт парраклари айланиб парвозга шайланди. Экипаж жўнаш вақти бўлганлигини билдирди.

Яна парвоздамиз. Ёнимизда ёш ҳамроҳимиз Ш. Лена ўтирибди, унинг қўлида бир ёшли қизалоғи бор. Мана унинг қисқача номаи амоли. Ўзганда туғилган. Ҳозир эри ва қизи билан Калининда яшайди. Онасиникига меҳмон бўлиб келган экан, 9 июнда Москвага учиш учун билет олган, уни турмуш ўртоғи кутиб олиши керак экан. Ўш аэропортидан учиши лозим эди. Тартибсизликлар бошланиб-ди-ю, Ўзгандан чиқиб кетишнинг иложи бўлмай қолибди. Икки кунгача уйда қамалиб ўтирибди. Қўлидаги билетининг муҳлати ўтиб кетган. Ҳозир у Москвага Андижон орқали учиш ниятида биз билан вертолётга чиққан. Умуман айтганда, Ленанинг омади бор экан. Улар яшаб турган жой босқинчилар ғазабига учрамади, яқинларидан ҳеч ким азият чекмади. Аммо кўз олдингизга келтиринг-а, у ёқда—Москвада эри уларни кутиб, безовталикдан жинни бўлаёзгандир.

Бошқа кўпгина гувоҳлар айтишганидек, Лена ҳам ўзбеклар билан бирга бошқа миллат вакиллари босқинчилар қурбони бўлганлигини айтди. У кекса қирғизлар таъқибга учраганларни яшириб, ҳаддидан ошган бебошларни лаънатлаганликларини сўзлаб берди.

Аэропортда Лена билан хайрлашганимиздан кейин яқиндагина Ўзгандан келган асаларичилик хўжалигининг раҳбари К. А. билан учрашиб қолдик. Тартибсизликлар бошланган пайтда у ўғли ва келини билан тоғдаги асалари хўжалигида бўлган. Улар ҳам ҳужумга дучор бўлишган, қочишган, беш кунгача тоғутошларда беркиниб юришган. Тоғдан Ўзганга тушишганида бу ерда ҳарбийлар тартиб ўрнатишган эди.

Кўпларнинг гапларини эшитдик. Суҳбатда — бўлдик... Уларнинг ҳар бири ўзига хос, бир-бирини такрорламайди. Лекин уларда ачучнга умумийлик бор. Алоҳида-алоҳида гаплашилган одамлар бир нарсани таъкидлашарди: босқинчиларнинг хатти-ҳаракатлари ташкилий тусда эди. Қуролярроғлар, бошқалардан ажратиб турувчи қизил пешонабоғлар, транспорт воситалари билан таъминланганлик — буларнинг ҳаммаси пухта уюшганликдан дарак берарди.

Биз ҳам вертолётда Ўзган осмонида парвоз қилганимизда кўп нарсаларни кўрдик. Афтодаҳол кулбалар бус-бутун турибди. Вайрон қилинган уйлар уларга қараганда ҳашаматли, ҳафсала билан қурилган, уларда яшовчи хонадон эгалари ҳам бойроқ кўринарди. Яна магазинлар, омборхоналар вайрон қилинган.

Буларни фақат миллий қарама-қаршилик дейиш мумкинми? Бориб турган ашаддий жиноятчилик, ўрта аср жаҳолати-ку, бу! Ҳам ярим тунда, ҳам куппа-кундузи талон-торожчилик содир қилинган.

Қасддан қилинган бундай жиноий ишлар бизни ҳайрон қолдирмади. Бу шафқатсизликдан ғоят ҳайратга тушдик.

Бу хусусда шу кунларда Андижон вилоятида бўлган СССР ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И. Ф. Шилов ўз тахминларини биз билан ўртоқлашди:

— Амалиёт шуни кўрсатадики, якка ҳолда қилинган жиноят ўз характери бўйича коллектив жиноят шафқатсизлигидан юмшоқроқ бўлади. Чамаси оломонлик туйғуси иш кўрсатяпти. Оломондаги ҳар бир бебош ҳимоясиз одамга зарба беришга, уришга интилади. Шу тариқа шафқатсизликнинг занжирли ҳалқалари пайдо бўлади.

Буни қаранг-а! Жиноий хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари ҳатто ана шу муқаррар рўй берадиган психологик омилдан ҳам фойдаланишни ҳисоб-китоб қилиб қўйганлар!

Қўшни иттифоқдош жумҳурият ички ишларига аралашиш, унинг ҳукуматига рўй берган вазиятда қандай иш тутишни ўргатишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Биз фақат Қирғизистон ССР раҳбарлари айтган сўзларни такрорлаймиз: рўй берган ҳодиса нафақат иқтисодий ижтимоий ва кадрлар муаммоларининг оқибатидир, балки у яширинган, яхши ташкил этилган жиноий хатти-ҳаракатлар натижасидир.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланишлари зарур. Сумгаит воқеаларидан бери қора кучлар, экстремистик гуруҳлар деган сўзларни эшитганимиз эшитган. Аммо, бутун мамлакатнинг нафрат-ғазабига учраётган бу кучлар ва гуруҳларнинг манзилгоҳлари, улар аниқ кимлар эканлиги қачон маълум бўлади. Биз уларни судланувчилар қора курсисида қачон кўрамиз? Улар ҳозиргача жазосиз қолмоқдалар, қонли ишларнинг рўйхатини кўпайтирмоқдалар: Сумгаит, Тоғли Қорабоғ, Кишинев, Боку, Фарғона, Душанбе, Ўш... Энди навбатда қайси минтақа турган экан?

— Бу сафар асосий жиноятчилар жазодан қутулиб қолмасликларига ишонч борми? — сўрадик И. Ф. Шиловдан. Иван Фёдорович СССР Прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг Ўш областидаги жиноятлар билан шуғулланаётган тергов гуруҳи иши тўғрисида гапириб берди. Бу гуруҳга Узбекистон ва Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари ҳам киритилган. Жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширган бир қатор кимсалар устида олиб бораётган тергови тезроқ поёнига етказиш, очиқ суд мажлислари ўтказиш вазифаси қўйилган. Мақсад шуки, одамлар босқинчилар қонуний жазодан қутулиб қолмасликларини кўришсин.

— Жиноий хатти-ҳаракатлар ташкилотчиларига келганда шуни айтиш керакки, улар қўлга олиниши ва жазоланиши зарур, — таъкидлайди И. Ф. Шилов. — Лекин бу ўринда жуда кўп нарса аҳолининг онглилиги ва ёрдамига боғлиқдир.

Вазир ўринбосари, шубҳасиз ҳақли: аҳолининг ёрдамисиз кутилган натижага эришиш қийин. Аммо афтидан, бу ёрдамни бирдан-бир дастак қилиб олиш ҳам тўғри бўлмас. Ахир ҳар кимнинг ўз вазифаси бор: ҳуқуқ-тартибот органлари одамларга осойишта ҳаётни таъминлаб беришлари керак, аҳоли эса унинг қадрига етиб яшаши лозим.

Такрор айтамиз жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланишлари ва улардан етказилган моддий зарар ундириб олиниши керак.

Икки жумҳурият ҳукумат комиссияларининг биргаликдаги мажлисида Қирғизистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Ж. Жумагулов азият чекканларга етказилган зарар қопланади, яроқсиз ҳолга келган, бузиб ташланган уйлар таъмирланади ёки улар ўрнига янгилари қурилади деб ишонтирди.

Адолатли қарор бу! Аммо булар учун маблағлар жумҳурият бюджетидан олинади. Демак, яна ҳалол меҳнат қилган кишилар ҳисобидан бўлса ҳам, келишмовчилик соя соладиган бўлса, азият чеккан жойларда ва ғам-андуҳга тўлган қалбларда тинчлик, хотиржамлик барқарор бўлмайди. Авваламбор рўй берган воқеалар сабабларини бартараф этиш даркор.

Қандай қилиб бу ишлар содир бўлди? — Андижон ва Ўш заминида бўлган учрашувлар ва суҳбатларимизда ҳамма вақт ана шу савол ўртага тушиб турди. Бу савол бизга ҳозир ҳам тинчлик бермаётир. Шунинг учун ҳам биз рўй берган воқеалар хусусида айтилаётган гапларни таҳлил қилишга, ўз фикримизни бир шаклга солишга қарор қилдик.

Айтилаётган фикрлар кўп.

Улардан бирини юқорида айтиб ўтдик. Ўш атрофидаги колхоз даласида қизишган оломоннинг бир-бири билан рўбарў туриши, «иморат қурувчилар» қўлида қозиқ ва белкураклар ўрнига сўйил ва найзаларнинг бўлганини эсласанг, юрагинг орқага тортиб кетади. Буларнинг ҳаммаси бўлажак бебошликларнинг машқини эслатади. Лекин ҳарқалай ғавғо майдони, бизнинг фикримизча сабаб эмас, балки ҳаммадан кўра рўй берган бахтсизликнинг баҳоналаридан биридир. Илдизлар эса — чуқурроқда.

Бизнинг ён дафтаримизда бошқа фикрлар ҳам ёзилган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Г. Гусев биз билан суҳбатда қуйидаги нуқтаи назарни айтди:

— Афтидан қўшни жумҳуриятда кадрлар сиёсатида муайян янглишишларга йўл қўйилган. Мана бу гапларни кўп эшитишга тўғри келган: Қирғизистон ҳудудида юз минглаб ўзбеклар қозонда қайнатишга ўхшаб кетади.

Ўзбеклар ва қирғизлар қадим-қадимдан тинч тотув ва баҳамжиҳат яшаб келишган. Ана шу яхши анъана бундан буён ҳам давом этиши учун қийин синовга бардош бериш, қаҳр-ғазабни инсоф-адолат билан алмаштириш, жаҳолатга эрк бермаслик, ақл-идрок билан иш тутиш даркор.

Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг, шунингдек иттифоқнинг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тартибсизликларга, гиж-гижловчи миш-мишлар ва чақириқларга барҳам бериш учун қонунда кўзда тутилган барча тадбирларни кўрмоқдалар. Улар бебошликлар рўй берган қирғиз ва ўзбеклар заминида тинч-тотувлик ва хавфсизликни таъминлашга, одамларга бемалол меҳнат қилиш ва хотиржам яшаш имкониятини таъминлаб беришга интилмоқдалар. Миллий тотувлик, мустаҳкам ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ҳозир бизга жуда ҳам зарур.

Ўз-ўзидан маълумки, агар одамлар ўртасида озгинагина ўзгариш бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Ҳозир ҳамма ишлар ва ҳаётимизда ҳеч нарсанинг ўзгаришини кўрмаяпмиз.

• *Янгилик*

ПОЙТАХТДА ИККИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Тошкент давлат тиббиёт институти коллективининг турар-жой, маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва унинг клиникаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, таълим, илмий ва даволаш жараёнлари сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Тошкент давлат медицина институти базасида 1- ва 2- Тошкент давлат медицина институтлари ташкил этилди.

Улар шу йилдан бошлаб мутахассисликлар бўйича қабул эълон қиладилар. Келгуси йиллардан бошлаб 1- Тошкент давлат тиббиёт институти атрофини янада кенгайтириш, босмахонасини қайта жиҳозлаб, қувватини ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбек ва рус тилларида турли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар ишлаб чиқадилар ва нашр этадилар. Шунингдек, жумҳурият тиббиёт олий ўқув юртлари ва хорижий мамлакатларнинг олимлари, талабалари ва тадқиқотчилари билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилади.

М. КАРИМОВ.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Бўстонлиқ: сув тошқини оқибатлари қандай тугатилмоқда

Апрель ойидаги кучли жала натижасида райондаги Фрунзе номли, «Қизилту» ва «Ленинград» жамоа хўжаликлари, аҳоли истиқомат жойлар айниқса катта зарар кўрди. Маҳаллий партия, совет органларининг зудлик билан кўрган чоралари туфайлигина одамлар талофат кўришмади. Бироқ келтирилган моддий зарар анчагина эди. Юзлаб уйлар нураб тушди, кўприклар бузилди, фермаларни лойқа босди...

Табиий офат содир бўлган куннинг эртасигаёқ жумҳурият раҳбарияти сел оқибатларини бартафар этиш тадбирларини белгилади. Афсуски, жумҳурият Вазирлар Кенгашининг 13 банддан иборат ушбу тадбирларининг ҳозиргача иккитаси бажарилди, холос. Айниқса, жумҳурият қурилиш Вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Ўзбекбирлашув каби ташкилотлар ўз зиммаларига олган вазифаларини бажаришга шошилмаяптилар. Ваҳолонки, Қўшқўрғон қишлоғидаги 30-ўрта мактабда ремонт ишларидан ташқари 420 ўринли янги бино ҳам қуриш лозим. Ўқув йили бошланишига икки ой вақт қолсада, бу ерда ҳамон жиддий иш қилинмади. Қишлоқларни газлаштириш вазифаси ҳам турли баҳоналар билан ҳанузгача бошланмаган. Уй-жой қуриш суст бормоқда. Ўзлари иморат қуриш истагини билдирган одамлар қурилиш материаллари билан тўлиқ таъминланмаяпти. Ҳолбуки, ана шу ишларни амалга оширишни республиканинг турли ташкилотлари ўз зиммаларига олган эдилар.

Табиий офат оқибатларини тугатиш республика комиссиясининг раиси, жумҳурият Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков комиссиянинг навбатдаги йиғилишида юқоридаги камчиликларни ачиниш билан таъкидлаб ўтди. У ҳаёмай, ёғин-сочинли куз келишини, тошқин бўлган жойларда эса кўплаб оилалар бошпанасиз қолганлигини эслатиб мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан уй-жой, маданий-маиший объектлар, мактаблар қуриш ва ремонт қилиш юзасидан зиммаларига олган вазифаларини тез фурсатларда бажаришларини талаб қилди.

Мажлисда жумҳурият Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари М. Орипжонов, область партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов ўртоқлар иштирок этдилар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.



ЮЗ ЁШЛИ МОМО

● Исми — Зумрад, фамилияси — Жумаева. Табаррук бу онахонни қишлоқда ҳамма танийди. Ҳаёт йўли ибратли. Фарзандларини меҳнатсевар қилиб тарбиялади.

Бугунги кунда унинг фарзандлари, 17 набира, қанчадан-қанча қариндош-уруғлари атрофида парвона. Зумрад момо улардан ўз маслаҳатларини аямайди. «Кумуш тола» — пилла топширишда ҳаттоки келинларига ёрдам кўрсатаётир. Оқила аёл кишилар қалбига ҳамиша йўл топа олади.

Суратда: Қарши районида яшовчи аср тенгдоши З. Жумаева.

Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзТАГ).

• *Қаҳрамонлар орамизда*

ЖАСОРАТ

Озодлик, шон-шараф ва мустақилликни қаттиқ туриб ҳимоя қилган, инсониятга қарши даҳшатли куч — фашизмни тор-мор келтирган совет халқининг буюк ва машаққатли жасорати хотираларда ўчмасдир. 1418 кеча ва кундуз давом этган Улуғ Ватан урушида мамлакатимизнинг турли миллат фарзандлари қўлни қўлга бериб жанг қилган эдилар. Улар орасида минглаб ўзбек ўғлонлари ҳам бор. Қуйида ғалабани яқинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшганлардан уруш ветерани Бадал Алимардонов ҳақида ҳикоя қилмоқдамиз.

УЛУҒ Ватан уруши ветерани Бадал ака Алимардонов билан учрашиш иштиёқи мени Сурхондарё областининг Сариосиё районига етаклади. Бунгача мен Сариосиё район пионерлар уйи қизил изтопарлари раҳбари Наталья Васильевна Машковадан мактуб олган эдим. У райондаги 69-мактаб қизил изтопарлари ёрдами билан Бадал ака ҳақида баъзи маълумотларни ёзиб юборганди.

Бадал аканинг хонадонига кеч соат саккизларда кириб бордик.

— Бемаҳалда келиб қолдик, — саломлаша туриб узр сўрадик Бадал акадан.

— Бу нима деганингиз. Сизлар мени ахтариб келасизу яна менга малол келсинми?! — чеҳраси очилиб кутиб олди мезбон.

Ичкарига кирдик. Дастурхон атрофида мароқли суҳбат бошланиб кетди.

— 1944-1945 йилларда 578-ўқчи полкда хизмат қилиб III даражали «Шуҳрат» ордени, «Жасурлиги учун» ҳамда «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан тақдирланган экансиз, — дедим СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архивида аниқланган ҳужжатларни кўрсатиб.

208-ўқчи дивизия командирининг Бадал акани III даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотлаш тўғрисида 1944 йил 7 ноябрь куни чиқарган 070/Н номерли буйруғини ўқиб берганимиздан сўнг уруш ветерани анча муддат жим бўлиб қолди.

Бадал ака шу дақиқаларда Улуғ Ватан уруши йилларида кечган воқеаларни хаёлига олганлиги кўриниб турарди.

...1944 йилнинг 5 ноябридан 6 ноябрига ўтар кечаси. Кеч куз, ҳаво анча салқин, совуқ шамол эсиб турибди. Бадал Алимардонов ўшлик қуролдошлари Нуриев ва Нормуродовлар билан Неман дарёсининг чап қирғоғидаги Татталишкин қишлоғи яқинида жойлашган полк кузатув пунктида соқчилик қилишмоқда эди. Шу пайт тинч оқаётган дарёда эшкакнинг шалоплашига ўхшаш товуш эшитила бошлади. У тобора қулоққа аниқ чалинарди. Бундан ҳушёр тортган соқчи Нуриев тревога сигналини берди. Алимардонов билан Нормуродов бутун вужудларини қўз-қулоққа айлантириб, атрофни синчковлик билан кузата бошлашди. Ҳали ой чиқмаган бўлса ҳам, шарпани бемалол пайқаш мумкин эди. Ана дарё қирғоғида икки киши пайдо бўлди. Қуролдошлар автоматларини шайлаб қўйиб, кузатишни давом эттиришди.

— Уч... тўрт... етти... ўн... Дарёдан қирғоққа кўтарилганлар ўн бир киши эди. Уларнинг душман разведкачилари эканлигига шубҳа йўқ.

Гитлерчилар эмаклаб полк кузатув пункти томон кела бошладилар. Кузатув пунктига 40-45 метр қолганда Бадал Алимардонов автоматини «сайратиб» юборди. Орқама-орқа икки граната улоқтирилди. Душман разведкасининг нияти пучга чиқди.

Бадал Алимардонов билан Нормуродов олдинга ташлашди. Шу пайт нимадир қимирлагандай бўлди. Автоматни ўт очишга тўғрилашган ҳам эдики, бир фашист дарҳол сакраб туриб, иккинчиси ўтирган жойида қўлини кўтарди.

Улар икки гитлерчини олдиларига солиб, кузатув пунктига олиб киришди. У ердагилар Бадал Алимардонов билан Нормуродов жасоратига қойил қолишди.

Савол-жавобдан шу нарса маълум бўлдики, фашистлардан бири ярадор бўлгач, иккинчиси уни олиб кетиш учун қолдирилган экан.

— Балли, азаматлар! Улуғ айёмга ажойиб туҳфа ҳозирлабсиз, — деди полк командирининг буйруғи билан кузатув пунктига чақирилган батальон командири майор Шестаполов.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз! — кузатув пунктини ларзага келтириб жавоб қилишди икки шоввоз.

6 ноябрь тонг отиши билан полк кузатув пункти қўриқчиларининг жасорати полк батальонлари ва роталари бўйлаб қанот қоқди.

7 ноябрь куни тушлик пайтида Алимардоновнинг кўксини III даражали «Шуҳрат» ордени безади, Нуриев билан Нормуродов «Жасурлиги учун» медалларининг соҳиби бўлишди... Бадал ака бир неча бор ана шундай жасорати билан қуролдошларининг олқишини олган эди.

Бадал ака Алимардонов Совет Армияси сафидан қайтгач тинч меҳнатда ҳам ўзини кўрсатди. 1946-1947 йилларда «Агрокультура» колхозида ҳисобчи, ревизия комиссиясининг раиси, 1947-1954 йилларда район ремонт-техника станциясида участка агрономи, 1955-1957 йилларда «Агрокультура» колхозида агроном-энтомолог бўлиб ишлади. Самарқандда бир йиллик асаларичилик мактабини тамомлагач, 1958 йилдан 1979 йилгача «Коммунизм» совхозида асаларичилик бригадасига бошчилик қилди. Ҳозир пенсияда. Иззат-эътибор билан ҳаёт кечирмоқда.

М. САМАДОВ.

• *Газетхон:*

ХАБАР ҚИЛАДИ

ХАЛҚ МУЛКИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти «Адабий мерос» номли илмий асарлар тўпламини мунтазам нашр этиб келмоқда. Бир йилда тўрт марта чоп этиладиган ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материалларни ўз ичига олган тўпламнинг бу йилги янги 1(51) сони муштарийлар қўлига етиб борди.

Тўпламдан ўрин олган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Қаюмовнинг «Севгувчи кўнгил илтижолари» сарлавҳали мақоласида, буюк шоир Алишер Навоийнинг кам ўрганилган «Муножаат» асари ҳақида қизиқарли кузатишлар баён этилган.

Филология фанлари доктори Ҳ. Расул «Навоий ғазалларининг насрий баёни ҳақида» мақоласида улуғ шоирнинг «Бадойиъ ул-бидоя» («Ёшлик бадиалари») асаридан 400 ғазални XV аср ўзбек адабий тилидан, ҳозирги замон ўзбек тилига ўгирганлиги ҳақидаги ижодий жараён хусусида фикр билдиради.

Тўпламдан филология фанлари доктори Э. Шодиев қаламига мансуб бўлган «Навоийнинг адабий тахаллуслари» қизиқарли мақоласи ҳам ўрин олган. Олим шоирнинг «Навоий» ва «Фоний» тахаллуслари юзасидан сўз юритиб, булардан ташқари яна у «Фаноий» ҳамда «Фано» адабий тахаллусларида ҳам ижод этганлиги ҳақида шеърий мисоллар орқали фикр билдирган.

Филология фанлари номзоди Қ. Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакий тил, одоб ҳақида» сарлавҳали мақоласи ҳам илмий кузатишларга бойлиги ва қизиқарли фикрларнинг баёни билан ўқувчи диққатини жалб этади. Зотан, қимматли ўгит-насиҳатларни ўз ичига олган «Ҳибатул-ҳақойиқ»да XI — XIII асрлардаги ниҳоятда эътиборли қарашлар баён этилган.

«Лутфий мероси йўлидаги изланишлардан» номли мақола муаллифи филология фанлари номзоди Э. Аҳмадхўжаевдир. Муаллиф таъкидича, турк олими Камол Эрасланнинг маълумотига кўра, Гунай Қарағач Лутфий девони матнини бошқа нусхалар қаторида Гота нусхаси асосида тайёрлаган

Шунингдек, тўпламдан А. Ҳабибуллаевнинг «Маҳбубулқулуб»да анъанага муносабат», Б. Мамедовнинг «Қиссаи Сайфулмулук»нинг туркман адабиётидаги варианти» ва «Материал ва ҳужжатлар» саҳифасида «Зокиржон Фурқат ҳаёти ва ижоди йилномаси» ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг бир неча қизиқарли мақолалари ҳам ўрин олган.

Б. ВАЛИЕВ.

... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Партия ва ҳукуматимиз оналар ва болалар муҳофазасига эътиборни кучайтирмоқда. Келажак авлоднинг соғлом, бақувват бўлиб етишиши оналар, ҳомиладор аёллар, гўдакларга яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Лекин бу муҳим масалага ҳамма ерда ҳам бирдек ёндашилмаяпти. Ховос районида техникум учун мўлжаллаб қурилган тўрт қаватли бинодан касалхона сифатида фойдаланиляпти. Унда болалар, жарроҳлик, гинекология, терапия бўлимлари мавжуд. Лекин туғуруқ бўлими йўқлиги ҳомиладор аёлларни 80 - 100 километр масофага қатнашга мажбур қиляпти. Умид қиламизки, Ховос район соғлиқни сақлаш бўлимидаги масъул раҳбарлар ҳам «ҳечдан кўра кеч» бўлса-да, бу муҳим масалага жиддий ёндошиб, ўзларига тегишли хулоса чиқарсалар. Кўпчиликни ташвишлантираётган туғуруқхона қурилишини бошлаб юборсалар.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти.

ЕЗГИ ПИОНЕР ЛАГЕРИДА

«ЧАШМА» ҚУЙНИДА

Сурхондарё области. Яқинда жумҳурият коммунистлари олий анжуманида келажак авлоднинг соғлом, баркамол ўсиши, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун партия ва совет ташкилотлари бирдек масъул эканликлари уқтириб ўтилди. Ана шундай тадбир — ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш сурхондарёлик автомобилчиларнинг ҳам диққат марказида бўлди. Вилоятнинг энг сўлим гўшаларидан бири — Денов тоғ ёнбағрида жойлашган «Чашма» пионер лагерида автомобилчиларнинг 1500 дан ортиқ фарзанди кўнгилдагидек дам олмоқда. Тоза ҳаво, мўътадил иқлим, болаларнинг шодон кулгисидан гўё маскан жаннатга айланган. Бу ерда ҳарорат 30 градусдан ошмайди. Лагерда ўқувчилар айниқса спорт билан кўпроқ машғул бўладилар.

СУРАТДА: отряд вожатийси Алфия Газлитдинованинг туризм ҳақидаги мароқли ҳикояси ўқувчиларга завқ бағишламоқда.

И. ХЎЖАЕВ сурати (ЎзТАГ).

• *Спорт* •

ФУТБОЛ:

БИР ХИЛ ОЧКОЛАР

Мамлакат чемпионатининг Шарқий зонаси командалари мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Чимкентнинг «Мелиоратор» футболчилари 21 очко билан олдинда боришмоқда. Наманганнинг «Навбаҳор» Фарғонанинг «Нефтяник», Жиззахнинг «Сўғдиёна» коллективлари 18 тадан очко билан юқори ўринларни эгаллаб туришибди. Наманганлик футболчилар ўз майдонларида Барнаул динамочиларидан 4:1 ҳисобида устун келишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ:

ЯКУНЛОВЧИ ЎЙИНЛАР

Жаҳон чемпионатида иштирок этаётган 24 команда гуруҳлардаги якунловчи ўйинларни ўтказиб бўлди. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи гуруҳларда ғолиблар аниқланди. Майдон эгалари Италия футболчилари Чехословакия командасини ютиб (2:0), олти очко билан гуруҳ ғолиби сифатида нимчорак финалга йўлланма олишди. Чехословакия командаси тўрт очко билан шундай имкониятга эга бўлди. Бу гуруҳда Австрия футболчилари учинчи ўринни эгаллаб, курашни давом эттиришга даъвогарлар сафида туришибди. Улар АҚШ командасини 2:1 ҳисобида енгишди. ГФР футболчиларининг Колумбия командаси билан ўйини ҳам қизиқарли бўлди. Дарвозаларга биттадан тўп киритилган бу учрашувдан кейин ГФР 5 очко билан иккинчи босқич баҳсларига йўлланма олди. Югославия футболчилари эса Бирлашган Араб амирликлари командасини 4:1 ҳисобида енгиб, 4 очко билан курашни давом эттирадиган бўлдилар. Колумбия футболчилари ҳам ҳали умидларини узганлари йўқ. Улар ҳисобида учта очко бор.

Бешинчи ва олтинчи гуруҳларда ҳам нимчорак финалга йўлланма олган командалар аниқланди. Учинчи гуруҳда эса Бразилия футболчилари Шотландия командасидан (1:0) устун келиб, 6 та очко тўплашди. Коста-Рика командаси ҳам бўш келмай, Швеция футболчиларини мағлубиятга учратиб (2:1) тўртта очко билан нимчорак финалга йўлланма олишди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ БАЛОҒАТ ЁШИГА ТЎЛАДИГАН КУНИГА

қимматбаҳо совға, ажойиб, қизиқарли йўналиш бўйича саёхат йўлланмаси сингари йирик туҳфа тайёрлаб, армуғон этиш учун ўз вақтида болаларни суғурта қилдириш шартномасини тузишингиз керак бўлади.

Боланинг ёши 15 ёшу 6 ойдан ошмаган бўлиши керак (бола бир яшарлигида шартнома тузиш фойдалироқ).

Суғурта пули — камида 300 сўм.

Суғурта бадаллари суғурта пули ва боланинг ёшига боғлиқ бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, суғурта пули ёки унинг тегишли қисми боланинг соғлигига (суғурта қоидаларида кўзда тутилган ҳолларда) турғун равишда путур етганда унинг ота-онасига тўланади.

Болаларни суғурта қилдириш шартномасини боланинг исталган қариндошлари, шунингдек, фарзандликка олувчилар ҳам тузишлари мумкин.

Жумҳурият давлат суғурта идорасининг ҳар қандай инспекциясида бундай турдаги суғурта шартлари билан батафсил таниша оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг илмий-техника ахбороти ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот институти (ЎзНИИНТИ) ва Бутуниттифоқ рангли металлургия илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон жумҳурият идораси ва СССР илмий ва мухандислик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият идорасининг Тошкент вилоят идораси

юкларни ортиш, тушириш, транспортда ташиш ва омборларга жойлаштиришда қўл меҳнати даражаси анча юқори бўлган саноат бирлашмалари, транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналар вакилларини

27—29 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«Средазнипроцветмет»нинг мажлислар залида бўлиб ўтадиган «Юк ортиш-тушириш, транспорт ва омбор ишларини механизациялаштириш, юкларни пакетлаш ва контейнерлаш» мавзуидаги

ФАН-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ВА ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИДА

ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмарка қатнашчиларига омбор ускуналари, юк ортиш-тушириш мосламалари, тара қадоқлаш ва ҳоказолар бўйича Москва, Ленинград, Киев, Вильнюс ва бошқа шаҳарларидаги корхоналарнинг ишланмалари ҳавола этилади.

Айни вақтнинг ўзида Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари сотиш учун ўзларининг самарали илмий-техника ишланмаларини тақдим этишлари, ярмарканинг тижорат маркази эса ютуқларни харид қилиш ва жорий этиш юзасидан шартнома тузишда ёрдам беради, зарур ахборот материаллари ва техникавий ҳужжатлар билан таъминлайди.

Ярмарка қатнашчиларининг маблағлари ҳисобига ўзининг ўзи маблағ билан таъминлаш принципларида ташкил этилади. Қатнашишни хоҳлаганлар 25 июндан кечикмаган ҳолда 150 (бир юз эллик) сўм пулни ЎзНИИНТИнинг Тошкент шаҳар турар жой социал банкининг Октябрь район бўлимидаги номери 000609038, банк коди 734138.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор, кўчаси, 171-уй, телефонлар: 39-12-51, 39-48-71. илмий-техника тарғибот бўлими.

Тошкент давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг кечки бўлимини 1980 йилда битирган собиқ курсдошлар

ДИҚҚАТИГА!

10 йиллик юбилей муносабати билан ўтказиладиган курсдошлар учрашуви 1990 йил 30 июнь кунига белгиланганини маълум қиламиз.

Учрашув вақти ва жойи: Тошкент шаҳри, Инқилоб хиёбони, К. Маркс ҳайкали ёнида, соат 12.00 дан 13.00 гача.

Ташкилий қўмита.

●

Халқлар дўстлиги нишонли Тошкент халқ хўжалиги институтининг 60 йиллигига бағишланган **«Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида»** мавзусида битирганларнинг

УЧРАШУВ АНЖУМАНИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ушбу тадбир 1990 йил, 30 июнь соат 10.00 да «Кино уйи»да бўлади.

Манзилгоҳ: Ўзбекистон кўчаси, 98-уй.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг 1970 йилда кундузги бўлим тарих факультетини тугатган

ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тарих факультетини тугатганларнинг 20 йиллиги муносабати билан талабаларнинг

УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Йиғилиш 1990 йил 7 июль куни соат 15.00 да Фрунзе ҳайкали ёнида.

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/VI да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IV да **Юсуф ва Зулайҳо** (премьера).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисод институти жамоаси илмий ходим Д. А. Мирхоновага отаси

Акмал Мирхонович МИРХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриёт ходими З. Сулаймоновга отаси

Асомиддин Қосимхўжаевич СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Электротехника алоқа институти ректорати, жамоат ташкилотлари социализм назарияси кафедраси мудири философия фанлари доктори, профессор Т. А. Жўраевга онаси

Бибихол АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент машинасозлик институти жамоаси институт катта муҳандиси

Отаназар МАДИРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти маъмурияти маданий-маърифий ишлар кафедрасининг ўқитувчиси Р. Ҳайдаровга укаси

Роҳатали ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика яйлов-мелиорация-қурилиш бирлашмаси жамоаси бирлашма бошлиғининг ўринбосари И. Р. Раҳмоновга онаси

Асраби РАҲИМБЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04303. № 141. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12